

ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA

Scientific Journal Impact Factor: 5.541

Aniq fanlar
Tabiiy fanlar
Iqtisod fanlari
Texnika fanlari
Tibbiyot fanlari
Filologiya fanlari
Pedagogika fanlari
Psixologiya fanlari
Ijtimoiy-gumanitar fanlar
San'at va madaniyat fanlari

2023/5

ILMIYTADQIQT.UZ

ISSN 2181-3507
2-TOM, 5-SON
APREL 2023



<http://ilmiytadqiqot.uz/>

TAHRIR HAY'ATI:

Masalieva Oltinoy Masalievna. Dotsent. Tarix fanlari nomzodi. Uzbekiston davlat jaxon tillari universiteti

Mavlyanov Aminjon. Dotsent, Fizika-matematika fanlari nomzodi, Astraxan' davlat texnika universitetining Toshkent viloyatidagi filiali.

Axmedova Muyassar Xadimatovna, dotsent TDPU, psixologiya kafedrasi

Turgunova Aziza Tashpulatovna, Dotsent, Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, Xalqaro islom akademiyasi

Mamatova Yoqutxon, f.f.d., prof. O'zMU Jurnalistika fakulteti Jurnalistika kafedrasi

Mirsoatova Mahliyo.dots., f.f.n., O'zMU Jurnalistika fakulteti

Abdusatarov Ramziddin Xayriddinovich dots., f.f.n., O'zMU Jurnalistika fakulteti Jurnalistika kafedrasi.

Ibragimov Shavkat Mo'minovich. dots., f.f.n., O'zMU Jurnalistika fakulteti Jurnalistika kafedrasi,

Xakimov Zafar Tulyaganovich, texnika fanlari doktori (DSS), Toshkent kimyo-texnologiya instituti Yangier filiali

Mamatov Mamajan Axmadjonovich, Dotsent, iktisodiet fanlari nomzodi. Toshkent davlat iktisodiet universiteti

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich, Qishloq xo'jaligi fanlari falsafa doktori (PhD) Farg'onan Davlat Universiteti

Rizaev Nurbek Kadirovich, Iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi

Rahimov Akmal Matyaqubovich. Dotsent, Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Toshkent moliya instituti

Aminova Dilnoza Xikmatilla qizi, dotsent, Filologiya fanlari doktori (DSc) O'zDJTU axborot xizmati va jamoatchilik bilan aloqalar kafedrasi

Qurbanov Rufat Baxtiyorovich, Dotsent, Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Toshkent moliya instituti,

Avazov Ilxom Ravshanovich, Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) Toshkent moliya instituti,

G'aniev Zafar Usanovich, Dotsent, Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Toshkent moliya instituti,

Davlatova Ra'no Xaydarovna, Dotsent (DSS), Navoiy davlat pedagogika instituti,

Yuldasheva Umida Asanalievna, Dotsent (PhD), Toshkent moliya instituti

Xojamkulova Yulduzoy Jaxonkulovna, O'simliklar fiziologiyasi va biokimyosi" laboratoriya mudiri, q.x.f.f.d. (PhD), Sholichilik ilmiy-tadqiqot instituti

Kodirova Nodira Ilyos kizi, Dotsent, Filologiya fanlar nomzodi, Uzbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi

Zoxitova Nodira Xusan qizi, Filologiya fanlari falsafa doktori (PhD) O'zMU Jurnalistika fakulteti

**Bosh muharrir: Nazim Bo'ronov
Mas'ul muharrir: Nargiza Dusimbetova**

БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ МАТБУОТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

*Камол Ҳазратқулов,
Чирчиқ давлат педагогика университети
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
таянч докторанти*

Аннотация. Уибу мақолада Бухоро жадидларининг матбаачилик фаолияти, “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарига асос солиниши, газеталар мұҳаррирлари, руқнлари түғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар: жадидчилик, миллат, маърифат, матбуот, газета, мұҳаррир, жасамият, маориф.

Annotation. This article provides information about the printing activities of the Jadids, the foundation of the newspapers “Bukharoi Sharif” and “Turon”, newspaper editor and headings.

Keywords: modernism, nation, enlightenment, press, newspaper, editor, society, education.

КИРИШ.

Маълумки, маърифат ва миллий ўзликни англаш асосида озодликка эришиш ғояси XX аср бошларида жадидлар тамонидан илгари сурилган. Сўнгги йилларда тарих фанида ўтмиш ва ҳозирги давр ижтимоий-маданий ривожланиш муаммоларини ўрганиш сезиларли даражада қўпайди. Натижада мамлакатимизда бу мавзудаги илмий тадқиқот ишларининг салмоғи ошди. Бу ўз навбатида XX аср охири ва XX аср бошларида мустамлакачиликка қарши олиб борилган курашнинг ўзига хослигини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тадқиқотлар тарихий жиҳатдан Туркистон ўлкасида, жумладан Бухоро амирлигига кенг тарқалган жадидлар ҳаракати каби миллий-маърифий оқим фаолиятини ўрганишга мўлжалланган. Ушбу мақолада ўша давр зиёлиларининг эркин фикрлаши ва озодликка интилиши, шунингдек, ўлкада маърифий ва демократик ғоялар шаклланиши жараёни, матбуот соҳасидаги фаолияти ўрганилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕОТОДОЛОГИЯ.

Хозирги кунга қадар Бухоро амирлигидан жадидлар ҳаракатининг вужудга келиши, уларнинг янги усул мактаблаи очиш, матбуотга асос солиши борасидаги ҳаракатлари тарихчи олимлар Д.Алимова, Қ.Ражабов, Д.Жамолова, Ф.Темиров ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Бухоро жадидларининг “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталари ҳақида ҳам бир қатор илмий мақолалар эълон қилинган тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо Бухоро жадидларининг матбуот соҳасидаги фаолияти алоҳида яхлит бир тадқиқот сифатида ўрганилмаган бўлиб, жиддий ўрганишни талаб қиласди.

АСОСИЙ ҚИСМ.

XX аср бошларидан амирликка савдогарлар, муқаддас ҳаж зиёратини амалга ошириш учун борганлар Хиндистон, Эрон, Миср, Афғонистон ва Туркия давлатларидан газета ва журналлар олиб кела бошлайдилар. Улар орасида “Ҳаблул матин” (“Мустаҳкам алоқа”, Калькутта, 1893 йилдан чиқа бошлаган), “Чехранома”, (Миср), “Таржумон”, (Крим, 1883 й.), “Ҳаёт” (Боку), “Юлдуз” (Қозон) каби газеталар бўлиб, унда ўша даврда дунёда кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ислоҳотлар ҳақида маълумот бериб борилган. Бу газеталарни чегаралардан ва божхоналардан олиб ўтишда нокулайликлар мавжуд бўлиб, бундан ташқари, Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги, “охранка”нинг айғоқчилари ҳам газета ва журналларнинг олиб келинишига қаршилик қўрсатар эди.

Шундай қилиб, 1912 йил 11 марта Янги Бухоро (ҳозирги Когон)да амирликда биринчи марта матбуот органи “Бухоройи шариф” газетаси форс-тожик тилида нашр этила бошлайди. Газетанинг 15 та муассиси бўлган. Улардан 6 таси рус, 6 таси бухоролик ва 3 таси эронлик бўлган. Бухоролик маърифатпарвар ва ишбилармон Мухитдин Мансуров мазкур газетага ҳомийлик қилган .

Газетанинг биринчи муҳаррири Мирзо Жалол Юсуф Бокудан чақиртирилган. Мирзо Жалол Юсуфзода 1862 йил 17 марта Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида ҳожи Мирзо Алиакбар оиласида оиласида таваллуд топди. Бошлиғич таълимни бўлғуси маърифатпавар ўз отасидан олди.

Мирзо Жалол 1912 йили Бухорога келиб, ўзининг қизғин фаолиятини бошлайди. “Бухоройи шариф” газетасига муҳаррирлик қилиб, унинг дастлабки сонлариданоқ “Бухородан мактуб”, “Номерга мактуб” рукнларида аҳолидан келган мактублар чоп этиб борилган. Газетахонлардан келган мактубларга муҳаррирнинг ўзи жавоб ёзган.

Мирза Жалол муҳаррирлик билан бир пайтда “Бухорои шариф” газетасида қатор мақолалари ва шеърларини эълон қилиб борган. Унинг мазкур газетадаши “Тартиб лозим аст” [Тартиб керак] мақоласида таълим беришни мукаммаллаштиришнинг аниқ режасини, ривожланган таълим усулини амирликнинг мактаб ва мадрасаларида жорий қилишни таклиф қиласди. Бу вақтда илм ва таълим масаласи нафақат Мирзо Жалол ўз олдига қўйган муаммо бўлмай, бутун жадидлар олдида турган муҳим вазифа эди.

Мирза Жалол ижодида халқнинг дарди, орзу-умидлари, у яшаган жамиятнинг долзарб масалалари ёрқин акс этган. У замондош шоирлар ва маърифапарварларни анъанавий муҳаббатни куйлашдан воз кечиб, бутун диққатларини илмга, фанга, таълимга, дунёвий билимларни эгаллашга, жамиятни иллатлардан тозалашга, замонавий илмларни эгаллашга чакиради. Мирзо Жалол Юсуфзода ўзининг бутун кучини, ижодини маърифатпарварликка Бухоро халқиниг саводхон бўлишига бағишлайди.

“Бухорои шариф” газетасининг яна бир муҳаррири бўлган Мирҳайдархўжа Мирбадалов бўлиб, турк тадқиқотчиси Аҳад Андижоннинг маълумотларига қараганда, унинг асли исми Мир Ҳайдар Бадалиев бўлиб, келиб чиқиши бухоролик яхудийлардан бўлган. Инглиз полковниги Фредрик Бейлининг таъкилашича эса, унинг оти Ҳайдар Хўжа бўлган ва келиб чиқиши турк-татарлардан бўлган. Фикримизча, Мирбадалов билан шахсан таниш бўлган полковник Бейлининг маълумоти ҳақиқатга яқинроқ.

Мирбадалов Самарқандда, Тошкентда Россия ҳукумати идораларида таржимон бўлиб ишлаган. 1880 йиллардан бошлаб Когон(Янги Бухоро)да рус консулхонасининг таржимони бўлиб хизмат қилган ва Янги Бухородаги Россия императорлиги сиёсий агентлигининг девони мудири лавозимига кўтарилиган. Мирбадалов “Бухоройи шариф” газетасининг редактори этиб ҳам тайинланган.

Мирҳайдархўжа Мирбадалов 1917 йил октябрда Россиядаги Муваққат ҳукумат большевиклар томонидан тутатилгандан кейин Бухоро амири хизматга ўтган. 1918 йил баҳорида “Колесов воқеалари”да амирлик ҳукумати ва Тошкент комиссарлари ўртасида воситачилик вазифасини бажарган.

Мирҳайдархўжа Мирбадалов хорижда яшаган даврида: “Мен большевизмни ва большевикларни жуда ёмон кўраман. Агар мен мамлакатимни уларнинг асоратидан қутқаришга ёрдамим тегса, ўзимни баҳтли ҳисоблар эдим”, деб ўзининг юраги тубидаги орзусини айтади. У

Европадаги большевикларга қарши доиралар билан билан алоқа ўрнатиш ҳаракатларини тўхтатмайди. Мирҳайдархўжа 1922 йил инглизлар билан учрашиб, улар ёрдамида генерал Анвар Пошибонинг кўмагига эришмоқчи бўлган. Чунки Анвар пошто бутун Шарқий Бухородги босмачиларни бирлаштириб, Совет Россиясига уруш эълон қилган эди.

1926 – 1927 йилларда Мирбадалов полковник Бейлининг ёрдамида Англиядан ёрдам олишга уриниб кўрган. Лекин жавоб жудаям совуқ бўлган: “Мирҳайдарга ўз ҳаракатларининг базаси қилиб Хинидистондан фойдаланишига имконият йўқлигини тушинтириб қўйилса ёмон бўлмас эди”. Мирбадалов 1938 йил Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот этган.

ХУЛОСА

Бухоро жадидларининг саъи-ҳаракати билан 1912 – 1913 йилларда амирликда “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарига асос солинган. Аммо мустамлакачи ҳукумат матбуот ишларидан доимий хабардор бўлиш, хабар, шеърлар, мактаблар ва мақолаларни назорат қилиб бориш учун муҳаррирларни четдан бўлиши кераклиги талабини қўйди. Бу эса ўз навбатида бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бир йилгина фаолият олиб борган ушбу нашрларда Мирзо Жалол ва Мирҳайдархўжалар муҳаррирлик қилиб, туркум мақолалар чиқишини таъминладилар ва ўзлари ҳам мақолаларини чоп этиб бордилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ВА ИЗОҲЛАР

1. Россия Императорлиги Сиёсий Агентлигининг ходимлари амирлик ҳудудига инқилобий газета ва журналлар киришидан хавотирланиб чегараларда қаттиқ назорат ўрнатган эди.
2. Абдуллоев М. Филология фанлари доктори. ИА “Азия Плюс”
3. “Бухоройи шариф” № 5, Тартиб лозим аст 16 март, 1912 й.
4. “Бухоройи шариф” № 4 Дигарон чи карданд,? 15 март 1912 й.
5. Абдуллоев М. ф.ф. д. Долгий путь зарождения таджикской журналистики. Центр азия.
6. Ахат Андижон Асли келиб чиқиши андижонлик бўллган Туркия фуқароси.
7. Абдуллоев М. ф.ф.д, ASIA-PLus.
8. Савален Фараджов, Жизненный путь и творчество педагога. Культура, 2016, 11 ноября.
10. Гафаров Н. Джадидская пресса стр.41, Худжанд, 2012 г

TABLE OF CONTENTS

Sr. No.	Paper/ Author
1	VLOGGING IN ENGLISH CLASSES AS AN INNOVATIVE WAY OF LANGUAGE TEACHING <i>Sultonova Munavvarkhon</i> Page No.: 4-8
2	ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В СИСТЕМАХ С ИСКУССТВЕННЫМ ИНТЕЛЛЕКТОМ <i>Нуржанов Жўробек Шомуратович</i> Page No.: 9-14
3	БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ МАТБУОТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ <i>Камол Ҳазратқулов</i> Page No.: 13-18
4	KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILARNING TANQIDIY FIKRLASH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI <i>Rustamova Davlatkhan</i> <i>Abdumutalova Muhayyoxon</i> Page No.: 19-23
5	АНАЛИТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ДВИЖЕНИЯ ГАЗОВОЙ И ТВЕРДОЙ ФАЗЫ В ВИХРЕВОМ АППАРАТЕ ВС-800 <i>Шамсиев Калибек</i> <i>Турсунов Мухиддин</i> <i>Азизова Гулноза</i> Page No.: 24-31
6	THE USE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGY IN THE PROCESS OF LEARNING AND TEACHING FOREIGN LANGUAGES <i>Zaripova Dilobarkon</i> Page No.: 31-35
7	